

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 144 (10.197)

2004 ЙИЛ 28 ИЮЛЬ

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

Қисқа муддатли дам олишда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ялтада амалий ташриф билан Украинага келган Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди.

Сўхбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ислоҳ қилишда кўмаклашишга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

ЎЗА

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунли Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТРАФДА

● **ФУҚАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институти томонидан парламентга сайловлар олдидан сиёсий одоб Кодекси ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжат мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар вакиллари томонидан қўллаб-қувватланди.

● **ЎЙЖОЙЖАМФАРМАБАНК**нинг Тошкент шаҳар бўлимида аёллар иштирокида ўтказилган тадбир «Аёл борки, олам мунаввар» деб номланди.

● **«2-ЧАРХ Камолон»** маҳалласида уюштирилган тадбирда аёлларнинг жамият ва маҳалла ҳаётидаги роли муҳокама этилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясида бўлиб ўтган йиғилишда шахримизда Халқаро аэрокосмик мактабининг фаолият бошлангилги маълум қилинди.

● **БОЛАЛАР** учун турли адабиётлар чоп этишга ихтисослашган Чўлпон нашриёти Осие Тараққиёт банки билан ҳамкорликда 7-синф ўқувчилари учун тарих фани дарслигини нашрдан чиқарди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар хўжалик судининг 6 ойлик иш якунлари ва келгуси режаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● **«БУНЁДҚОР»** ёшлар телеклубида сиёсий партиялар вакиллари иштирокида ташкил этилган семинар-тренинг «Ёшлар ва сайлов маданияти» деб номланди.

● **«ТРАСТ банк»** акциядорлик-тижорат банкнинг йил бошидан шу кунгача ўз миқозларига ажратган кредит маблағи миқдори 4 миллион сўмдан ошди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида умумий юрисдикция судларининг 2004 йилнинг биринчи ярмида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти якунлари ва мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди.

Уни Олий суд Раиси Ф. Муҳиддинова олиб борди.

Мажлисида умумий юрисдикция судлари ўтган олти ой мобайнида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолатни таъминлаш, қонунларни қўллаш бўйича суд амалиётини шакллантириш борасида муайян ишларни амалга оширганлиги қайд этилди.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўрилган ишлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (64 фоизга ошганлиги ва судьянинг ойлик иш ҳажми уч ба-

равар) кўпайганлигига қарамай, бу тоифадаги ишларни ҳал қилиш муддатлари ва сифати сезиларли даражада яхшиланганлиги таъкидланди.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан ҳуқуқий тарғибот, жумладан оммавий ахборот воситалари орқали қонунчиликни тушунтириш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилди. Суд амалиётини умумлаштириш, шунингдек аҳоли ўртасида олиб борилган тарғибот ишлари сифат жиҳатдан яхшиланди.

Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан жиноий жазоларни ва

жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш тўғрисидаги қонунларни тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ярашув институти судланганлик ҳолатининг камайишига ва жиноят оқибатида етказилган зарарнинг тўлиқ қопланishiга эришишига самарали таъсир этмоқда.


Олий суд матбуот хизматида хабар қилишларича, ўтган ярим йилликда судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш тартиқидаги жазо тайинлаш ҳоллари сезиларли даражада камайган, айни пайтда судлар шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган

жазо турларини кўпроқ қўлламоқда.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қабул қилинган қарорда Олий суд Раёсати судларнинг эътиборини суд қарорларининг барқарорлигини таъминлаш, ишларни кўришни асосиз равишда кейинга қолдириш ҳолларининг олдини олиш, судлар томонидан ишларни кўриш муддатлари тўғрисидаги қонун талабларига қатъий амал қилиш зарурлигига қаратди, уларни бартароф этиш юзасидан муайян чора-тадбирлар белгиланди.

Раёсат мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда унга тенглаштирилган судлар раислари иштирок этди.

ЎЗА



Мустақиллик медалари



ДУНЁДА БАЙРАМЛАР КЎП. ҲАР БИРИНИНГ ЎЗ ЎРНИ, ЎЗ ТАРОВАТИ БОР. ЛЕКИН ҲАР БИР ХАЛҚ, МИЛЛАТНИНГ ТАРИХИДА ЭНГ МУҲИМ БАЙРАМЛАРИ БЎЛИШИ ШУБҲАСИЗ. БИЗНИНГ ХАЛҚИМИЗ УЧУН МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АНА ШУНДАЙ ЭНГ УЛУГ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМДИР. МУСТАҚИЛЛИКДАН КЕЙИНГИ УЎТАЁТГАН КУНЛАРИМИЗ ЎЗ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ ЖИҲАТДАН ЎНЛАБ ЙИЛЛАРГА ТЕНГДИР.

Ҳар йили байрам арафасида юртимизда кўплаб иншоотлар барпо этилиб, фойдаланишга топширилиши яхши аъёнага айлиниб қолган. Бундай бунёдкорлик ишлари пойтахт шаҳар Тошкентда ҳам яққол кўзга ташланади. Сўнгги йилларда қад кўтарган миллий ва замонавий меъморлик аъёналари уйғунлашган бири биридан гўзал, муҳташам бино ва иншоотлар бугун шаҳримиз кўрகига кўрк қўшиб турибди. Қурилиши якунланётган Тош-

кент кичик Халқа йўлининг учинчи навбати ана шундай иншоотлардандир. У транспорт қатновини тезлаштириш, қулайлаштириш билан бирга, йўловчиларнинг вақтини ҳам тежашда муҳим аҳамият касб этади. Байрам арафасида шу иншоотнинг Амир Темур ва Эргашев кўчалари туташган манзилида бунёд этилаётган янги кўприк фойдаланишга топширилади.

Давоми 2-бетда.

XXI сағоси

Барча манбалардан оқинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Мамлакатимиз нефть-газ саноати корхоналарида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар сифат кўрсаткичи учун «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси Нью-Йорк шаҳридаги Business Initiative Directions компанияси таъсис этган олтин совринга сазовор бўлди.

● Фарғона шаҳар ҳокимлигида Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мавзусига бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди.

● Хоразм вилоятидаги болалар оромгоҳларида «Камолот» ЁИХ Хоразм вилоят Кенгаши ташаббуси билан «Камалак кунлари» тадбирлари ташкил этилмоқда.

● Гиждувонда 600 ўқувчига мўлжалланган янги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи бунёд этилмоқда. Ушбу ўқув маскани Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

● Тошкент вилояти, Зангиота туманида «Ишбилармон ўқувчи» курик-танловининг вилоят босқичи ниҳоясига етди.

● Хатирчи туманида Навоий вилоятидаги илк бизнес-инкубатор ўз фаолиятини бошлади. Бизнес-инкубатор қошида компьютер саводхонлиги, хорижий тилларни ўргатиш ҳам йўлга қўйилган.

Жаҳонда

● Ироқнинг Мосул шаҳридаги АКШ ҳарбий базаси ёнида амалга оширилган портлаш оқибатида 1 аёл ва 1 бола ҳаётдан кўз юмди. Шунингдек, АКШнинг 3 нафар ҳарбий хизматчиси ва Ироқ хавфсизлик кучларининг 3 нафар ходими яранди.

● Американинг Бостон шаҳрида АКШ Демократик партияси умуммиллий курултойи иш бошлади. Курултойи қарори билан сенатор Жон Керри АКШда ноябрь ойида ўтказиладиган президентлик сайловларига Демократик партиядан номзод сифатида тасдиқланади.

● Афғонистон раҳбари Ҳамид Карзай мамлакатда 9 октябрда бўлиб ўтадиган президентлик сайловларига президентликка ўз номзодини кўрсатди.

● Перуда қутилмаганда юзага келган совуқ ҳаво оқими ҳукуматни жиҳдий ташвишга солди. Бинобарин, мамлакатда фавуқлода ҳолат эълон қилиниб, зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Иқтисодий

РАҚОБАТБАРДОШ МАХСУЛОТЛАР

Ички бозоримизни сифатли, кўркам ва импорт ўрини билан босувчи махсулотлар билан тўлдириш йўлида кўплаб корхоналар унумли фаолият юритмоқдалар. Улар орасида «Daewoo pack Co LTD» хорижий корхонаси ҳам саъй ҳаракат қилмоқда.

1998 йилда иш бошлаган корхонада ҳозирги кунда 41 нафар малакали, ғайратли ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқдалар. Мазкур жамоа ахли юқори сифатли гофрокартон қутилар ҳамда унга таркибий қисмлар ишлаб чиқармоқда.

— Жанубий Корея давлатидан келтирилган самарали, энг замонавий дастгоҳ ва ускуналар шарофати билан, — дейди корхона бош менежери Улуғбек Муҳидинов, — бир йилда тўла қувват билан ишласак, корхонамизда 2000 тонна, яъни 1 миллиард 800 миллион сўмлик рақобатбардош махсулотлар тайёрланади. Сифатли махсулот тайёрлаш учун талаблар даражасидаги хом ашё Финляндия ва Россия давлатларидан келтирилади.

Корхонанинг буюртмачилари асосан юртимиздаги тўқимачилик соҳасида фаолият юритаётган қўшма корхоналардир. «NESTLE» ҳамда «MEDIZ» қўшма корхоналари шулар қаторига киради.

Тадбиркорлар ўсиб бораётган талабларни инobat-лан олган ҳолда жорий йил охиригача ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратишни режалашлар.

НИЯТЛАРИ БИСЁР

Ёш хунарманд Талъат Дадамұхамедов ота касб бўлган заргарликни жуда ёшлигидан кунт билан ўрганди.

Бугунги кунга келиб у 30 га яқин заргарлик махсулотлари — зирак, узук, тўгноғич, тумор, кутича, тиллақош, тиллабаргак, биллазуқ каби тақинчоқларни қойилмақом қилиб тайёрлайди. Масалан, зиракнинг ўзидан камида 8-9 хилини, баъзи заргарлик буюмларидан ўндан ортқ турдагиларини моҳирона тайёрлаб, миқозларини хурсанд қилмоқда.

— Отам уста заргар Фасҳиддин Дадамұхамедовдан ўрганган сабоқларимни жуда кадрлайман, — дейди ёш уста. Айниқса, мен устозимдан сабр-чидам, ижодий илҳом ва гўзалликдан завқланишни ўрганганлигим ҳаётда асқотмоқда. Заргарликнинг эса сир-синаотлари кенг.

Республика рассомлик коллежини тугатган ёш хунарманднинг орзулари бисёр. У келгусида Камолддин Бехзод номидаги рассомлик институтининг санъатшунослик факультетига ўқишга кириб, гўзал санъат асарлари яратишни ўз олдига эзгу мақсад қилиб қўйган.

Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА

Давоми. Боши 1-бетда.

Кўриб турибсизки, Истиқлол йиллари биз учун чинакам янгиликлар, ўзгаришлар, фаровонлик, жаҳонга танилиш йиллари бўлди. Ҳар соҳада тадбиркорлик, ишбилармонлик асосида иш юритишга, хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилишга кенг йўл очилди. Энг муҳими, меҳнатимиз қадр топди. Эркин фикрларимиз қарашларимиз, ишимиз самарасида эркин намоён бўлмоқда.

Буни шахримиз кўчаларини кезиб, кузатиб чиққан киши яна бир бор аниқ-тиниқ хис этади. Ой ва йил сарфини қатор-қатор бинолар, кўплаб кенг ва раво йўللари бунёд этилмоқда. Янгидан янги қад кўтарайётган банклари, меҳмонхоналари, кўприклар, лицей ва коллежлар, супермаркетлар, мухташам санъат қошоналари фикримиз далилидир. Бу санокни эса истаганча давом эттириш мумкин.

Ҳеч шубҳасиз, 13 йил ичида улкан ютуқларга эришдик. Улар бугун кўз ўнгимизда жилваланиб турибди. Хатто буни хорижий дўстларимиз ҳам эътироф этаётган фидокорона қилаётган меҳнатимизга берилган ҳақиқий баҳодир. Энг муҳими, бу бунёдкорлик ишларининг барчаси Ватан равақли, мустақиллики мустаҳкамлаш, эл-юрт фаровонлигини таъминлаш, келажагимиз ворислари бўлмиш азиз фарзандларимизнинг маънан етуқ, жисмонан соғлом, бақувват бўлишларида муҳим рол ўйнамоқда. Буларнинг ҳам-

маси Президентимизнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз» деган сўзларининг эркин исботи.

Яқинда бутун юртимиз бўйлаб тарқалган яна бир хушхабардан барчамиз оламолар қувондик. 24 ёшли ўзбек ўғлонининг шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлиши халқимизнинг нималарга қодирлигини бутун дунёга яна бир қарра намоёйиш этди. Шахматда дастлабки муваффақият-


айланмоқда.

Истиқлол йилларида эришган энг катта ютуқларимиздан яна бири — умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувликдир. Ҳозирда Ўзбекистон жаҳоннинг жуда кўплаб мамлакатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатди. Пойтахтимизда хорижий мамлакатларнинг элчихоналари фаолият кўрсатиб турибди. Бирлашган Миллатлар Ташкилати, Халқаро Валуа фонди, Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки, Европада Хафсизлик ва Ҳамкорлик ташкилати ва бошқа халқаро ташкилотлар ўз ваколатхоналари ва бюrolарини очишган. Булар аллақандай баландпарвоз гаплар эмас, баъаини ҳақиқат. Шу маънода айтишимиз мумкинки, мустақиллигимизнинг ҳар бир йили олдимизга қўйган мақсадимиз томон ташланган янги бир муҳим қадам бўлмоқда.


Бугун элим, юртим деб ёнган кишининг тили ва дилида Истиқлол. Уни қуйламоқ бахтига эришганимиздан мағрур ва масрурмиз. Истиқлол қўёши толейимизни сарбанд қилди. Буни тахририятимизга муштариёларимиз томонидан келаяётган даста-даста хат ва хабарлар ҳам исботлаб турибди. Бу мактубларда билдирилаётган фикрлар халқимиз юрагидан чиққан мустақилликнинг акс-садоси ҳамда кекса авлодларимиз орзу қилган нурафон кунларга етишганимизнинг шукронаси деб айтсак «оқшом»хонларимизнинг бизга йўлаётган хатларига ҳақиқий ва холисона баҳо берган бўлаемиз.

Ният эса холис. Утган йиллар чинакам орзуларимиз ушалган йиллар бўлди. У сардафтаримизга тинчлик, барқарорлик ва меҳр-оқибатли йиллар бўлиб ёзилиб қолажак.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ



ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БУЮК НЕЪМАТ



ларга эриша бошлаганида Рустам Қосимжоновга Юртбошимиз томонидан компьютер совға қилинганида у: «Келгусида албатта Худо хоҳласа, жаҳон чемпиони бўламан» деган ваъда берган эди. Ҳақиқий йигит ўз сўзининг устидан чиқди. Бугун эса Рустам Қосимжоновнинг ғалабаси дунёнинг турли мамлакатларидаги кўп сонли шахмат мухлислари, мутахассислар, хорижий дўстларимиз томонидан юксак олқиш — эътирофга сазовор бўлмоқда.

Истиқлол туфайли одамларнинг тафаккури ва ҳаётга муносабати ўзгариб бормоқда. Улар давлатимизнинг буюк келажагига ишонч билан қарамоқда. Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакатига

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Ёш авлод маънавий камолотини таъминлаш йўлида мактаб, оила ва маҳаллалар ҳамкорлиги ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Ана шу маърифий жараёни амалга оширишга қаратилган концепция ҳам юзгага келди.

Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг унинг ректори-профессор Ҳамидулла Йўлдошев бошчилигида тайёрланган бу йўриқнома «Баркамол авлодни

тарбиялашда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлиги» деб номланди.

Мазкур муҳим маърифий ҳужжат талаблари асосида жойларда ибратли ишлар олиб борилиб, бой тажрибалар ортирилмоқда.

Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тежирив институтининг ўтказилган «Узлуксиз таълим жараёнини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» номли анжуманида ушбу йўриқноманинг экранлаштирилган талқини ҳам намоёйиш қилинди.

ХИТОЙ ЭЛЕКТРОВАЗЛАРИ ТОШКЕНТДА

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат хиссадорлик темир йўл компанияси корхона ва транспорт саройларида янгиликлар жараёни давом этмоқда. Компаниянинг локомтивлар саройини техник жиҳозлаш бўйича махсус лойиҳа ҳам тайёрланди.

Унга кўра электровозлар ҳаракатига ихтисослашган «Ўзбекистон» локомotive саройи энг замонавий транспорт воситалари билан таъминланади. Бунинг учун компания Хитой Халқ Республикасининг Чжунжоу электровоз ишлаб чиқарувчи заводида буюртма берди.

Ўзаро келишувга биноан

юқоридаги завод мамлакатимизга жами 12 та электровозни тайёрлаб беради. Бунинг учун 40 миллион долларга яқин маблағ ажратилди. Буюртма электровозлар компанияга келтирилга бошланди. Бу электровозлардан унумли фойдаланиш имконини беради.

Ақбар АЛИЕВ

Пойтахтимизда «Ўрта махсус, касб-хунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар классификаторини /таснифлагич/ такомиллаштириш» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди. У Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан Европа таълим фонди ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг ривожлантириш институтининг билан ҳамкорликда ташкил этилди.

ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Семинарда Президентимиз Исломо Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ юртимизда умумий ўрта ва олий таълимни ўзаро боғловчи янгича тизим — ўрта махсус, касб-хунар таълими яхши самара бераётгани таъкидланди.

Ушбу тизим ёрдамида иқтисодиёт ва меҳнат бозори талаб ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда касблар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Айни пайтда ўқувчилар билим олиш бораберида муайян касб-хунарга эга бўляпти.

Ўқув муассасаларида йўналишлар, касблар ва мутахассисликларнинг тизимлаштирилган рўйхати — таснифлагич муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўқитиш жараёни айнан шу асосда олиб борилади. Эндилдикда бу борада ўрта махсус, касб-хунар таъ-

лимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар классификаторининг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу лойиҳада ижтимоий, иқтисодий соҳалар бўйича эҳтиёж ва талаб айниқса катта бўлган ихтисосликлар, касб ва тайёрлов йўналишлари акс этирилган. Унинг аввалгиларидан афзаллиги шундаки, академик лицей ўқувчилари, 11-синф битирувчилари ҳамда тиббий кўмакка муҳтож ўсмирлар учун ҳам ихтисосликлар рўйхати берилган.

Семинарда маҳаллий ва халқаро экспертлар мазкур таснифлагичнинг ўзига хос жиҳатлари, уни янада такомиллаштириш ва ҳаётга жорий этиш масалалари юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

Бунёдкорлик**ЎҚУВЧИЛАРГА
СОВФА**

Ёзги таътил бошланиши билан ўқувчиларнинг ташвиши янада ошади. Синф хоналарини янги ўқув йилига тахт қилиш бу уларнинг асосий муаммосидир. Айни май ойининг охирида, ўқувчилар шовқин-суронидан ҳоли мактаб биносида таъмирлаш ишлари бошланиб кетади.

Бектемир туманидаги 290-ўрта умумтаълим мактабида ҳам капитал таъмирлаш ишлари март ойдан бошлаб юборилган эди. Асосан таъмирлаш ишларига Осиё тараққиёт банки томонидан 40 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, бунинг ҳисобига 32 та синф хоналари, 8 та йўлак, 2 та мактаб омборхонаси, методик ўқув хоналари янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

Айни пайтда ошхона ва спорт залларида ишлар давом этмоқда. Таъмирлаш ишларига бош-қош бўлган «Дўстлик - салом» масъулияти чекланган жамияти ходимларининг қўли қўлига тегмапти. Илгари таъмирталаб спорт зали ва ошхона ҳозирда барча шароитларга эга шуғулланиш ва овқатланиш хоналарига айлантирилди. Айниқса спорт залидаги қулайликлардан эндиликда барча ўқувчилар қувонишлари тайин.

— 60 нафарга яқин ишчи-мутахассислар синф ўқув хоналарини қайта таъмирдан чиқариб бўлишди, - дейди жумладан «Дўстлик - салом» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Юрий Хан. — Ҳозирда эшик ва ромларга қайта ишлов берилмоқда. Шунингдек, иссиқлик тизими ярқис эҳволдалиги боис қайтадан янгиланди, бинонинг ёруғлик тизими ҳам тўлиқ текширувдан ўтказилди. Барча капитал қурилиш ва пардозлаш ишлари тез орада ниҳоясига етказилди.

Янги ўқув йилига ҳар жиҳатдан тайёр мактаб биносига ўқувчилар учун катта совға бўлиши аниқ.

ОРЗУГУЛ РУСТАМОВА

Чилонзор туман хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида ўтган вақт давомида бажарилган ишлар муҳокама қилинди ҳамда Ўзбекистон Президентининг жорий йилнинг 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиққан ҳолда хотин-қизлар кўмиталари олдида турган долзарб вазифалар ҳақида сўз борди.

Таъкидланишича, туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан икки ярим йил давомида оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини янада ошириш, аёлларнинг турмуш шароитини яхшилаш, қизларни турмушга тайёрлаш, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида маънавияти юксак аёлларни шакллантириш, хотин-қизларни тадбиркорлик ишларига жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Тумандаги 43 та маҳалла хотин-қизлар комиссиялари ва маҳалла қошида тузилган яраштириш комиссияси томонидан маҳаллалардаги мавжуд оилалар ҳисобга олиниб, оилаларнинг турмуш тарзи, болалар тарбияси ва муаммолари ўрганилган ва барча мезонларни қамраб олган «Оила паспорти» ташкил этилган. Шунингдек, соғлом авлод, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизларни, кам таъминланган оилаларни кўллаб-қувватлашни кучайтириш, болалар спортини ривожлантириш каби масалаларга алоҳида эътибор берилган. Туманда истиқомат қилувчи 50 мингдан зиёд ўрта ёшдаги аёллар мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказиб келинмоқда.

Шу билан бирга бу борадаги ишлар ҳали етарли даражада эмаслиги, ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш масаласига эътиборни кучайтириш, мавжуд муаммоларни аниқлаб, бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўриш лозимлиги қайд этилди. Туманда вояга етмаганлар ва айниқса аёлларнинг жиноят содир этиб жазога тортилиши, гиёвандлик иллатига ружу қўйиши ачинарли ҳолат бўлиб, бу хотин-қизлар кўмитасининг, маҳалла фаоллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда профилактика ишлар суст олиб борилганлигидан далолатдир. Ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти мудир Танзила Норбоева, Чилонзор туман «Тадбиркор аёллар» уюшмаси раиси Мукамбар Мақсудова, «Наққошлик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Тамара Бочкарева, Тошкент Давлат иқтисодий университетининг проректори, профессор Гулчехра Охунова ҳуқуқатимиз ва шахсан Юртбошимиз томонидан аёлларга қаратилаётган эътиборга ургу бериб, уларнинг оилада, жамиятда асосий куч эканлигини ва бу борада хотин-қизлар кўмиталари зиммасига янада масъулият юклатилаётганлигини таъкидладилар ва шундан келиб чиққан ҳолда биринчи галдаги вазифалар ҳусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда Чилонзор туман хотин-қизлар кўмитасининг фаолиятига бир овоздан қониқарли баҳо берилиб, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси вазифасига Муаттар Содикова қайта сайланди. Шунингдек ҳисобот-сайлов йиғилишида туман хотин-қизлар кўмитаси раисининг учта ўринбосарлари

ҳамда шаҳар конференциясига делегатлар сайланди.

Собир Раҳимов туман хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида ҳам Юртбошимизнинг яқинда қабул қилган Фармонларининг мақсад-моҳияти ҳусусида сўз юритилиб, унда белгиланган вазифа-

тин-қизлар кўмиталари олдидаги муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлади. Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон Миллий университетининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Раҳбар Муртазоева, Собир Раҳимов туман ҳокими Бахтиёр Ҳақимов ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз Фармони ижросини таъминлаш юзасидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини ошириш борасида келгусидаги вазифаларни ҳамкорликда амалга ошириш зарурлигини уқитиб ўтдилар.

Йиғилишда Собир Раҳимов туман хотин-қизлар кўмитасининг ҳаракат дастури қабул қилинди.

Конференцияда Собир Раҳимов туман хотин-қизлар кўмитасининг фаолиятига бир овоздан қониқарли баҳо берилди ва туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси вазифасига Муқаддам Расулова сайланди.

Анжуманда шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг конференциясига делегатлар сайланди.

Хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси Шайхонтохур туманида ҳам қизгин ва кўтаринки руҳда ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги раиси Рустам Шоғуломов Президентимизнинг аёллар фаолиятини жонлантиришга қаратилган Фармонлари юзасидан аниқ маълумотлар берди ва хотин-қизларга тааллуқли муаммоларга тўхталиб ўтди. Айниқса, шарқ аёлларига хос бўлмаган баъзи иллатларнинг кўриниб қолаётгани ва уларни бартараф этишда фаол аёллар биргаликда иш олиб боришлари зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, I-перинатал маркази раҳбари Майрам Содикова ўз сўзида оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, оилада тиббий саводхонликни ошириш, оналар, ўсмир қизлар ва болалар саломатлигига жиддий эътибор қаратиш авваломдори тиббиёт ходимларининг муҳим, устувор вазифаси эканлигини таъкидлади.

Конференцияда Шайхонтохур туман хотин-қизлар кўмитаси фаолиятига бир овоздан қониқарли баҳо берилди ва туман хотин-қизлар кўмитаси раиси вазифасига Фарида Акбарова сайланди.

Яккасарой туман хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида ҳам ўтган икки ярим йил мобайнида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ва мавжуд муаммолар сарҳисоб қилинди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Президентимиз Фармонига асосан Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган дастурида белгиланган хотин-қизлар кўмиталари олдидаги энг устувор вазифаларни амалга оширишда кўпчилик бир тану бир жон бўлиб амалий ишга киришса, албатта қўзланган мақсадларга эришиш мумкинлигини айтишди.

Конференцияда Яккасарой туман хотин-қизлар кўмитаси фаолиятига қониқарли баҳо берилди ва туман хотин-қизлар кўмитаси раиси вазифасига Дилором Шарипова қайта сайланди.

Туман конференцияларида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарид Абдурахимова иштирок этди.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: Собир Раҳимов туман хотин-қизлар кўмитаси ҳисобот-сайлов конференциясидан лавҳалар.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

Ҳисобот-сайлов конференциялари**АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ
МУНАВВАР**

Маълумки, айни кунларда шаҳримизда барча туман хотин-қизлар кўмиталарининг ҳисобот-сайлов конференциялари кўтаринки руҳда давом этмоқда.



ларни бажаришда нималарга кўпроқ эътибор бериш керак, деган саволлар асосий мавзуга айланди.

Бугунги кунда туман аҳолиси 285 минг бўлса, аёллар сони 147 минг, оилалар сони 74460 тани ташкил этади. Туманда хотин-қизлар кўмитасининг 205 та бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Хотин-қизлар кўмитаси томонидан бошланғич ташкилотлар раисларининг малакасини ошириш мақсадида семинарлар ўтказилиб, сертификатлар топширилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида хотин-қизларни ижтимоий химоялашнинг энг асосий йўналишларидан бири — аёлларни ижтимоий меҳнатга жалб қилишдир. Ҳисоботдан маълум бўлишича тумандаги халқ ҳўжалиги соҳаларида банд бўлган аёллар 51 фоизни ташкил этади. Шунга қарамадан ишсиз аёллар сони ошган. Маҳаллаларда «Устоз-шогирд» дастури фаолият кўрсатади. Лекин меҳнат бўлими томонидан фақат мурожаат қилган аёллар ишга жойланмоқда. Бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари эса ишсиз аёлларни ишга жалб қилишга деярли ҳисса қўшмапталар.

Соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш, оналар ва қизлар, болаларнинг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида ўтказилаётган турли анжуманлар, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ўз самарасини бермоқда.

Ҳисобот-сайлов конференциясида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуқаҳор Тўхтаев бугунги кундаги айрим муаммоларга тўхталиб, айниқса аёллар ва болалар соғлиғига етарли даражада эътибор берилмаётганини, баъзи қизларнинг уйда ўтириб қолаётганлиги, уларни ўқишга, касб ўрганишга йўналтириш ишларига жиддий ёндошиш хо-



Дундаги гапар

ЁШЛАР НЕГА ТАМАКИ ЧЕКИШАДИ?

Бекатда автобус кутиб турганим. Ёнимдан ўзим тенги уч-тўртта ўспирин йигит ўтиб қолди. Бирдан бадбўй тамаки исидан ижирганиб кетдим. Чунки уларнинг эгни-бошидан тамаки хиди анқиб турарди.

Мен бундай ҳолатга биринчи марта дуч келаётганим йўқ. Кўча-кўйда, бозорларда, базан мактабнинг пана-пастқам жойларида тамаки чекиб турган тенгдошларимни кўлаб учратганман. Нега улар баҳорини кузга айлантиришмоқда? Энг ачинарлиси шуки, уларнинг шундай қилишлари одамлар индамай қараб турганлари ҳам маълум маънода сабаб бўлмоқда.

Бир болани яхши билмаман. Мен тенги бу ўқувчи олдирлари бинойидек эди. Тўққизинчи синфга ўтдию, айниди. Ўқиси ҳам пасайиб кетди. Мактабга кунора келар, келган кунлари ҳам дарсларга кир-

май аллақерларга кетиб қолади-деган одат чиқарди. Мен шундай ёшларни кўрганда ўзимга ўзим савол бераман: «Кўринишдан тупла-тузуқ оила фарзати. Аммо унга нима етишмаяпти, нима сиқилти? Ахир катталар бирин нарсадан сиқилганларида тамаки чекишлар-ку? Ушанда ҳам меъёрдан оширмайдилар. Ешликданок тамаки чекишни одат қилганлар тақдир ҳеч кимга сир эмас. Бунга ким айбдор? Фарзанди учун керагидан ортиқ пул бераётган ота-оналарми? Балоғат ёшига етмаганлар манфаатларини уйламай тамаки махсулотларини сотаётган «биз-

Хамма гап ана шу «лекин»да. Юқоридаги мавзу ҳақида гап кетганда масалага бир томонлама ёндошаётганлигимизни сезиб қоламан. Гап бу ерда автобус бекатларидаги тартибсизликлар ҳақида борапти. Мана шу тартибсизликлар туфайли йўловчилар ҳам, автобус ҳайдовчилари ҳам азият чекаётганликлари ҳақимизга келтирмаймиз. Бу тартибсизликлар оқибатида айри ҳолларда авария ҳолатлари содир этилаётгани эса ачинарли ҳолдир.

Келинг, гапни кўп чўзмай индаллога ўтиб кўя қолайлик. Шаҳримиздаги кўпгина автобекатларда транспорт воситалари ноқонунли равишда турганлиги кўзингиз тушган.

Кўпинча матбуотда йўл ҳаракати қондалариға риоя қилинмаётгани оқибатида автоҳалокатлар содир этилаётганлиги ҳақидаги мақолалар эълон қилинади, йўловчилар ҳайдовчилар ҳушёрликка чақирилади. Бу яхши албатта. Лекин...

Ҳайвонларни қайғилаганда

БЕКАТЛАРДА ТАРТИБ БЎЛИШИ КЕРАК-КУ

Ҳамма гап ана шу «лекин»да. Юқоридаги мавзу ҳақида гап кетганда масалага бир томонлама ёндошаётганлигимизни сезиб қоламан. Гап бу ерда автобус бекатларидаги тартибсизликлар ҳақида борапти. Мана шу тартибсизликлар туфайли йўловчилар ҳам, автобус ҳайдовчилари ҳам азият чекаётганликлари ҳақимизга келтирмаймиз. Бу тартибсизликлар оқибатида айри ҳолларда авария ҳолатлари содир этилаётгани эса ачинарли ҳолдир.


Келинг, гапни кўп чўзмай индаллога ўтиб кўя қолайлик. Шаҳримиздаги кўпгина автобекатларда транспорт воситалари ноқонунли равишда турганлиги кўзингиз тушган.

билади. Қизиғи, шу яқин атрофда йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳақидаги мақолалар эълон қилинади, йўловчилар ҳушёрликка чақирилади. Бу яхши албатта. Лекин, на у, на бошқалар шахсий автобиллар ҳайдовчиларини бекатдан ҳайдамайдилар, шахсий транспорт воситалари ҳайдовчилари билан тушунтириш ишларини олиб бормайдилар, уларга ноқонуний ҳаракат учун жазо чоралари қўлламайдилар. Ахир ана шу мисолнинг ўзи қоидага амал қилмаслиқку.

Хулоса ўрнида мутасаддилардан сўрамоқчиман, бекатлардаги тартибсизликларга қачон чек қўйилади?

Жўра ХИДОЯТОВ,
меҳнат фахрийси,
Юнусобод тумани.

Хатлар — ҲАЁТ ОЙНАСИ



Ҳар бир инсоннинг дил тубига тугиб қўйган гаплари, уй-кечинмалари, орзу-истаклари бўлади. Бу кўпинча мактубларда, дипломларида ўз аксини топади. «Тошкент оқшоми» газетаси тахририяти ходимларини қувонтираётган жиҳат шуки, сиз азият газетчилик билан бизга мактуб йўлламоқдасиз. Энг асосийси, муштарийларимиз тахририятга фақатгина орзулари, таклифлари битилган мактубларингизга эмас, балки айрим ҳолларда ҳаётингизда учраб турган турли хил салбий воқеаларга муносабатлари акс этган хатларини ҳам йўлламоқдалар. Дарвоқе, мактуб эгалари орасида 60-70 ёшли қариядан тортиб мактаб ўқувчисининг ҳам борлиги

таҳсинга сазовор. Демак, газетамиз сиз азиятлар билан мулоқотга киришиб адашмаяпти.

Ҳақиқатан ҳам газетамизнинг ўқинишли бўлиши кўп жиҳатдан сиз азиятлардан келган мактубларга, телефон кўнгирокларига боғлиқ. Шу боисдан ҳам бу сафарги «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифаси материаллари асосан сиз азиятларнинг хатларингиз асосида тайёрланди. Саҳифамиз материаллари билан танишиб чиққач, бизга мактуб ёзасиз, сиз қоқасиз деб умид қиламиз. Эслатиб ўтамиз, 133-08-74 телефонига кўнгирок қилинг. Матбуотчилар кўчаси, 32-уй — «Тошкент оқшоми» газетаси тахририятига хат ёзинг.

Тазеъхон
миҳнатдорлик
билдиради

ЙЎЛЛАРИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Эрта тонгдан шахримизнинг гажам кўчаларида турли транспорт воситаларининг ҳаракатини кузатамиз. Катталар ишга, шўшондон болакайлар мактабга ошмишадилар. Жажжи кичкинтойларнинг бекатда туриб автобус, троллейбус, трамвай кутишганининг гувоҳи бўласиз.

Айни чоғда кишиларнинг узок йўлини яқин қилаётган, уларни бешиқаст, эсон-омон ўз манзилга элтиб кўраётган транспорт ҳайдовчиларининг меҳнатини, уларнинг ўз касбига бўлган фидойилигини кўриб, беҳиётёр тасаннолар айтгинг келарди.

Бундай сермашаққат касб фидойилари бўлиши Тошкент шаҳар 2-троллейбус саройига қарашли 6-йўналишдаги №25-53 троллейбус ҳайдовчиси Шухрат Толипов, №27-04 троллейбус ҳайдовчиси И.Космин, чиптачи Галина Евущкина, №25-25 троллейбус ҳайдовчиси Пулат Холмуродов, чиптачи Шухрат Хутдинов, № 25-69 троллейбус ҳайдовчиси Сергей Ганчиров, чиптачи Зайдевалар хушмуомалалиги билан йўловчиларнинг ҳурматиға сазовор бўлишмоқда.

Бу йўналишдаги троллейбуслар ўз вақтида йўловчиларни манзилга етказмоқдалар. Бу йўналишларнинг ўз вақтида назорат қилинишида 2-троллейбус саройи ходими Нурия Гайтунининг ҳам ҳиссаси бор, албатта. Биз йўловчилар номлари юқорида қайд этилган ўз касбининг заҳмат-қашқарлиғиға ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз.

Хулида АХМЕДОВА.

Гулҳаё келишган, замонавий кийинган, юзларидан нур ёғиб турувчи, жуда ақлли аёл эди. Узининг гапига қараганда, бу ерда иккинчи марта бундай муомаласи жуда талати кўринди. Лекин сир бой бермадим-да, унинг саволларига жавоб қайтардим. Узининг соғлиғи ҳақида сурширтдим. Йигит бир неча йиллардан буён юрак хасталиғига чалинган, бу йилда тўртинчи марта бу ерда дам олаётганини айтди.

Юрак хасталиғи сўзини эшитиб, кўнглим бир галати бўлиб кетди; Йигит ҳам худди ҳаётини саволни ўқигандек, ўзининг хасталиқига чалиниши ҳақида гапириб берди.

Маълум бўлдики, йигит ҳозир онаси билан яшар, отаси эса оила билан кетиб қолган экан. Она қўлида қолган йигит ва синглиси жудаям қўйинчилик кўриб катта бўлишган. Ёсини танибдики, йигит отасининг уларга нисбатан қилган виждонсизлиғига, номардликка қўйиб сиқилиб юрар экан. Воғна етган, она ўғлини уйлантирибди. Лекин бахтга қарши келин уй туттиш-ини билмайдиган, онага нисбатан иззат-ҳурматни ўрнига қўя олмайдиган аёл бўлиб чиқибди. Йигит пешонам шўр экан, деб ҳаммасига чидабди. Орада икки фарзанд туғилибди. Синглиси ҳам воғна етибди. Буни қарангки, сингли оталари қилган ишни такрорлабди. Бир йигит-заиф бир хечраси мени ўзига тортиди. Йигит келиб, худди эски танишларидай мени билан саломлашди. Мен ҳам алик олдим. У муолажалар қан-

дай таъсир кўрсатаётгани, мени нима безовта қилаётгани ҳақида сўрай кетди. Бегона йигитнинг даб-дурустдан менга бундай муомаласи жуда талати кўринди. Лекин сир бой бермадим-да, унинг саволларига жавоб қайтардим. Узининг соғлиғи ҳақида сурширтдим. Йигит бир неча йиллардан буён юрак хасталиғига чалинган, бу йилда тўртинчи марта бу ерда дам олаётганини айтди.

Юрак хасталиғи сўзини эшитиб, кўнглим бир галати бўлиб кетди; Йигит ҳам худди ҳаётини саволни ўқигандек, ўзининг хасталиқига чалиниши ҳақида гапириб берди.

Маълум бўлдики, йигит ҳозир онаси билан яшар, отаси эса оила билан кетиб қолган экан. Она қўлида қолган йигит ва синглиси жудаям қўйинчилик кўриб катта бўлишган. Ёсини танибдики, йигит отасининг уларга нисбатан қилган виждонсизлиғига, номардликка қўйиб сиқилиб юрар экан. Воғна етган, она ўғлини уйлантирибди. Лекин бахтга қарши келин уй туттиш-ини билмайдиган, онага нисбатан иззат-ҳурматни ўрнига қўя олмайдиган аёл бўлиб чиқибди. Йигит пешонам шўр экан, деб ҳаммасига чидабди. Орада икки фарзанд туғилибди. Синглиси ҳам воғна етибди. Буни қарангки, сингли оталари қилган ишни такрорлабди. Бир йигит-заиф бир хечраси мени ўзига тортиди. Йигит келиб, худди эски танишларидай мени билан саломлашди. Мен ҳам алик олдим. У муолажалар қан-

дай таъсир кўрсатаётгани, мени нима безовта қилаётгани ҳақида сўрай кетди. Бегона йигитнинг даб-дурустдан менга бундай муомаласи жуда талати кўринди. Лекин сир бой бермадим-да, унинг саволларига жавоб қайтардим. Узининг соғлиғи ҳақида сурширтдим. Йигит бир неча йиллардан буён юрак хасталиғига чалинган, бу йилда тўртинчи марта бу ерда дам олаётганини айтди.

Юрак хасталиғи сўзини эшитиб, кўнглим бир галати бўлиб кетди; Йигит ҳам худди ҳаётини саволни ўқигандек, ўзининг хасталиқига чалиниши ҳақида гапириб берди.

Маълум бўлдики, йигит ҳозир онаси билан яшар, отаси эса оила билан кетиб қолган экан. Она қўлида қолган йигит ва синглиси жудаям қўйинчилик кўриб катта бўлишган. Ёсини танибдики, йигит отасининг уларга нисбатан қилган виждонсизлиғига, номардликка қўйиб сиқилиб юрар экан. Воғна етган, она ўғлини уйлантирибди. Лекин бахтга қарши келин уй туттиш-ини билмайдиган, онага нисбатан иззат-ҳурматни ўрнига қўя олмайдиган аёл бўлиб чиқибди. Йигит пешонам шўр экан, деб ҳаммасига чидабди. Орада икки фарзанд туғилибди. Синглиси ҳам воғна етибди. Буни қарангки, сингли оталари қилган ишни такрорлабди. Бир йигит-заиф бир хечраси мени ўзига тортиди. Йигит келиб, худди эски танишларидай мени билан саломлашди. Мен ҳам алик олдим. У муолажалар қан-

Бир куни икки дугона Чилонзор буюм бозорига харид учун тушган эдик. Бозорда одам кўп, кун эса жуда иссиқ. Бир пайт узокдан «Муножот» кўшигини куйлаб келаётган бир бола диққатимизни ўзига тортиди.

Маассуф

ТОПТАЛАЁТГАН ҚОБИЛИЯТ

Унинг кийим-боши ифлос, ямоқ солинган, кўзлари маъюс. Боланинг овозига лол қолган одамлар унга тасаннолар айтишар ва пул узатар эдилар-у, лекин унинг қалбида кечаётган ҳис-туйғулар ҳеч кимни қизиқтирмас эди.

Бундай истевдод эгаларини нафақат бозорларда, балки транспорт воситаларида ҳам учратишимиз мумкин. Наҳотки, шундай ажайиб истевдод эгаларининг қобилияти-ни тўғри йўлга солишининг иложиси бўлма-

са, наҳот уларга ёрдам қўлини чўзувчи меҳр-мурувватли инсонлар топилмасин?

Биз ўз қобилиятини кўча-кўйда топтаётган бундай истевдод эгаларига ич-ичимиздан ачиндик!

Яқдона КОДИРОВА,
Гулгунча МАТҚУРБОНОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, халқаро журналистика факультети талабалари

Тўққизинчи синфга

ҲУШЁР БОЛА

Носир ака беш чақиримча йўл босиб шаҳар марказига келиб қолди. Хурсанд. Ахир «Жигули» машинасини сотди-да. Ёз фасли эмасми, жазирама иссиқ. Роса толиқди. Чанқоқ азобини айтмасам ҳам бўлади.

Жияни Анвар шу атрофдаги кўп қаватли уйлardan бирида яшайди. «Бирпас жиянимникида дам олиб, кейин уйга қайтарман» деган ҳаёлда турнақатор уйлardan бирини мўлжаллаб юрди.

Носир ака еттинчи қаватга кўтарилиб ашиқ кўнгируғини босди. Садо йўқ. Яна кўнгируғини босди. Ниҳоят, «ким?» деган товуш эшитилди. Бу Анварнинг олти ёшли ўғилчаси Сардорнинг овози эди. «Эшикни оч, амакинг бўламан», деди Носир ака уйда одам борлигидан суюниб.

— Очмайман, дедимми, очмайман. Балки алдаётган дирисиз, — овоз келди ичкаридан.

— Нега ишонмайсан, болам. Ахир кечагина бизнинг уйга даданг билан бординг-ку.

— Унда пастга тушинг. Деразадан қараб, ҳақиқатан Носир амаки бўлсангиз эшикни очаман.

Носир ака еттинчи қаватдан пастга, бунинг устига зинадан тушишини ўйлаб (уфт ишламаётган экан) «уф» тортиди. Начора, бола амри вожиб. Пастга тушди. Яна юқориға кўтарилди. Сардор чиндан ҳам амакиси эканига ишонч ҳосил қилган шекилли, бу сафар эшикни очди. Носир ака кира солиб ўзини диванга ташлади. «Хушёр бола».

ТУЗОҚ

Юнусободдан Чилонзорга яп-янги машинаси «Нексия»да кетаётган Юнус аканинг кўзи бекатда турган чиройликни кизга тушди. — Утиринг, — деди у ма-

шинани секин тўхтади. «Харна бир-икки сўм ишлаб олам. Бензин пули ҳам чиқади», ўйлади Юнус ака.

Чиройли киз ҳам кўпни кўрганлардан эканми, ортиқча мулозаматсиз машинага ўтирди. Беш дақиқача юришгач Юнус аканинг сабри тугади.

— Йўл бўлсин, синглим? — Чилонзорга кетяпман.

— Юнусободга.

Сухбат қизиди. Гурунг билан бўлиб Олой бозорига келганларини ҳам сезмай қолишди. «Очиққина, кувноқ, чиройли киз экан» ҳаёлидан шу фикр ўтаркан, киз Юнус акага машинани тўхтатишни илтимос қилди.

— Оёғингиз янги туфли олмасам бўлмайди. Бирпас кутиб турсангиз тезда чиқаман, — деди.

— Тўхтанг, синглим. Пулнингиз борми? Хоҳласангиз зуридан олинг. Мана сизга 15 минг сўм, — деворганини Юнус аканинг ўзи ҳам сезмай қолди.

— Мана шу симёгоннинг олдида турасиз-да, — деди чиройли киз жилмайиб.

Юнус ака «Нексия» радиосининг қулгоғини буради. Тахминан бир соатлар ашула эшитиб ўтирдиёв. Кўнгли алланечук бўла бошлади. Ха-вотирга тушди. Бозорнинг ичкарисини бир эмас, иккинчи марта оралаб чиқди. Чиройли киздан ном-нишон йўқ. «Ух, лаънати, қаёқданам машинама олдим. Тузоққа тушириб кетди ярамас». Юнус ака бироз каловлашиб турди-да, машинасини ўқдек учуриб кетди. Йўлда кетаркан, бекатда учраган кизни кўриб, кўнглига шайтон васваса солганга амин бўлди.

«ПУФЛАМАСАН-ГИЗ БЎЛМАЙДИ, ТОШПЎЛАТ АКА»

Нурмат «Тико» машинасида Тошпўлат ака билан Хумсон тарафдан келяпти. Ик-

кови мазза қилиб дам олишди. Нурмат кувноқ, ҳазилкаш, ҳамроҳи эса қўнглида кири йўқ, соддагина инсон.

— Манави ичак нимаси? — Тошпўлат аканинг тўсатдан берган саволи Нурматнинг хаёлларини тўзгитиб юборди. Бачокдан бир учи чиқиб турган шлангини Нурматнинг ўзи кўйганди, Тошпўлат акани лақиллатгиси келди — моторга ҳаво берарди-ан анжом бу.

— Қанақасига? — анқайди Тошпўлат ака.

Нурмат сўзга зеб берди. — Экстремал ҳолатларда ҳайдовчининг ёнидаги одам пуфлаб юборса олам гулистон. Машина тез юради. Машина тепаликка тирмашди. Нурмат тезликни алмаштирмайди. — Мотор «йўтала кетди».

— Пуфланг ака. Фақат тезроқ...

Тошпўлат ака ишга киришди. Нурмат «бас» деса ҳам тинмади.

— Харна-да, ука, — деди Тошпўлат ака. Сўнг илова қилди.

— Олис сафарга чиққанда сизга икки ёки учта йўловчи керак бўлар экан. — Нега, энди?

— Ҳадеб пуфлайвериш одамни чарчатар экан.

— Сизни аяшим керак, Тошпўлат ака, — деди уйкуси кела бошлаган Нурмат. — Рулга ўтинг ўзим пуфлаб кета қоламан. Чапдаст ҳайдовчи бўлган Тошпўлат ака машинани елдириб кетди. Ёнида Нурмат донг қотиб уйкуга кетди. Манзилга етиб келишгач, мезбон билан кучоқлашиб кўришар экан, Тошпўлат ака мақтан-ди:

— Машинани шундай елдирдимки, Нурматжон бирор марта пуфлагани йўқ. Ҳеч нарсани тушунмаган мезбон Нурматга қаради. Нурмат «сир»ни ошкор қилган эди яйраб кулди.

Акбар МИРЗО

Хулида АХМЕДОВА.

Хулида ИСКАНДАРОВА

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб Домо бўлар...

● Мухаббат барча яхши, юксак, қудратли, ёқимли ва ёрқин фазилатлар ижодкоридир.

● Дунёда куёшдан сулув илоҳиёт йўқ, чин мухаббат оташдан кўра ўткирроқ оташ йўқ.

● Севиш ва севилиш нақадар буюк бахт.

● Севги — ажиб бир гул, аммо тубсиз жар ёқасида ўсган бу гулга яқин бормоқ ва узмоқ учун жасорат керак.

● Севги ўлим даҳшатидан кучлироқ.

● Эркак ва аёл — бамисоли икки майин товушки, инсон қалбидаги торлар уларсиз ҳақиқий ва тўла қонли оҳанг беролмайди.

БАЙТ:

Хаяжон тўлқини, хасрат,
табассум,
Ширин хаёллару,
жон олар масъум,
Нозик иболару сенгадир
исён —
Мухаббат соҳиби бахти-
ёр инсон.

● Тўқилган обрў синган гулдонга ўхшайди — уни чегалаш мумкин, бироқ дарз кетган жойлари доимо кўриниб туради.

● Яхшиликларни йўққа чиқариш учун озгина нуқсон етарлидир.

● Яхши ишда ҳар доим сажоват ҳам, куч ҳам бу юмушни охирига етказишга ҳаракат қилади.

● Хулқ — ҳар ким ўз қиёфасини кўрсатадиган кўзгудир.

● Жамият кишиларининг фазилати хусусида фақат уларнинг ишларига қараб фикр юритиш мумкин.

● Фақат ақли ва қалби тоза кишигина тўла маънодаги яхши ва ишончли одамдир.

● Дунёда каттаю кичикнинг иши бир-бирига боғлиқдир. Уларнинг ўзаро ёрдами ва иттифоқидан яхши ишлар ҳосил бўлади. Душманлигидан эса душманлик юз беради. «Яхшиликка яхшилик» билан жавоб қайтариш бу оқилнинг ишидир.

● Яхшиликнинг асидан чиқармаган тезфаҳм сичқон ўткир тишлари билан дом тугунларини қирқиб, ўз нажоткорини тутқунликдан халос қилди.

БАЙТ:

Яхшилар кетидан агар
чопарсан,
Истаган бахтингни
шундан топарсан.
Яхшига яхши бўл,
ёмонга ёмон,
Гулга гул бўлгину,
тиканга тикан.

● Мунофиқлик, хушомад-гўйлик ва икки юзмаччилик энг катта ёвузликдир. Ниқобга ўралган бу ёвузликларни сеза бил, унга нисбатан ғазабкор ва мурросасиз бўл.

● Одамни ўзига макташ хушомадгўйлик белгисидир.

● Фақат пасткак одамгина олдинда мактаб, орқандан ғийбат қилади.

● Етти бошли аждардан эмас, тилёғламали одамлардан кўрк.

● Кимки хушомадга учса, химоясиз қолади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумоти-га асосан, бугунги кунда дунёда 1,1 миллиарддан ортиқ киши тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум, ҳар йили 2,2 миллиарддан ортиқ киши сифатсиз сув истеъмол қилгани ва санитария шароити яхши эмаслиги туфайли касалланиб нобуд бўлмоқда.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Ҳўш, Республика-миз пойтахти Тошкент шаҳрида ичимлик суви таъминоти қай аҳволда? Уни янада яхшилаш юзасидан қандай режалар мавжуд?

Пойтахтимиз истеъмолчиларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва оқова сувларни шаҳардан чиқариб тозалаш вазифаси «Сувос» трести Давлат унитар корхонаси зиммасига юклатилган. «Сувос» трести таркибиди яширик ичимлик сувларни тозалаш иншоотлари, учинчи босқич насос станциялари, сув тақсимлаш иншоотлари, сув ўтказгичлар ва сув тармоқлари мавжуд. Бундан ташқари оқова сувларни тозалаш иншоотлари, насос станциялари, коллатор ва оқова сув тармоқлари ҳам трест таркибига киради.

Шаҳримизнинг ичимлик суви таъминоти очик сув хавзалари ва ер ости сув хавзалари каби иккита асосий манбалардан амалга оширилади. Пойтахтимизнинг бош очик сув хавзаси Чирчиқ дарёсидан бошланувчи «Бўз-сув» канали ҳисобланади. Бугунги кунда «Сувос» трести таркибиди саккизта ичимлик суви тозалаш иншоотлари мавжуд, уларнинг умумий қуввати кунига 2326 минг куб метр сувни ташкил қилиб, шундан 70 фоизи очик сув хавзаларидаги «Қодирё» ва «Бўз-сув» бош сув иншоотларига тўғри келади.

Пойтахт сув тармоқларининг узунлиги 3567 километрни ташкил қилиб, шаҳарни қамраб олиш микдори 99,6 фоизга етди. Шаҳарга етказиб берилаётган сув ҳар бир тозалаш жараёнида трест таркибиди кимё-бактериологик лабораториялар томонидан текширилиб, барча кўрсаткичлари бўйича «Ичимлик суви» O'z Dst 950-2000 давлат стандарти талабларига тўлиқ жавоб беради. Ичимлик сувини бу даражага етказиш учун кунда қимматбаҳо ва ноёб реагентлар сарф қилинади, жумладан шаҳарга бир кунлик ичимлик сувини тайёрлаш учун ўрта ҳисобда 10000 килограмм аччиқтош ва 2000 килограмм суюқ хлор сарфланади. Бундан ташқари «Сувос» трести шаҳардаги энг йирик электр истеъмолчиларидан бири бўлиб, истеъмолчиларга суви етказиб бериш учун кунига 1 миллион квт электр энергия сарфлашни инобатга олсак, шаҳарга суви тозалаш етказиб бериш учун қанчалик катта маблағ кераклигини кўз олдимизга келтира оламиз. Япониянинг «Жайка» халқаро ҳамкорлик агентлигининг мутахассислари томонидан ўтказилган тадқиқот ишлари натижаларига кўра Тошкент шаҳри ва шаҳаролди туманларининг ичимлик суви-га бўлган эҳтиёжини қондириш учун кунига 1,6 миллион куб метр микдориди


сув кетади. Аммо ҳозирги кунда шаҳарга кунига 2,5 миллион куб метр сув етказиб берилишига қарамай охириги бир неча йил мобайнида, ёзги иссиқ кунлар бошланиши билан шаҳарда баъзи туманларда

баробардан ортиқ микдорда суви сарфлашмоқда. Шу билан бирга кўчадаги сув тармоқлари эскириб кетганлиги туфайли ичимлик суви исроф бўлиши ҳамда сув босимини ошириб берувчи насослар эскириб, тез-тез

Шаҳар ҳўжамлиги тавзўида

ҲАЁТ МАНБАИ — СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛОНАЙЛИК

Сув — табиатда энг кўп тарқалган модда бўлиб, ер юзининг 70 фоизини эгаллайди. Бироқ унинг фақатгина 2,5 фоизини чўчуқ, яъни ичимлик суви ташкил қилади. Шундан 70 фоизини музликлар ва қолган қисмини ер таркибиди намлиқ ташкил қилишини инобатга олсак, инсониятнинг ҳажондаги чўчуқ сув ресурсларининг фақатгина 1 фоизидан фойдаланиш имкониятига эгаллиги маълум бўлади.



юқори қаватдаги хонадонларда ва баъзи маҳаллаларда ичимлик сув таъминотида узиллишлар кузатишмоқда. Асосан бу каби ҳоллар Акмал Икромов туманининг «Бекобод», «Қори ёғди», «Шарқ гули» маҳаллаларидаги ернинг юқори сатҳида жойлашган кўчаларда, Собир Раҳимов туманининг О.Бобожонов кўчасидаги 4 қаватли уйларнинг юқори қаватларида, Чукурсой ва Шофёрлар кўчаларининг юқори қисмларида, Чилонзор туманининг 19-20-мавзелиридаги уйларнинг юқори қаватларидаги хонадонларда, Ҳамза туманининг Усмонов кўчасидаги 2 қаватли уйларнинг юқори қаватларида, «Олмос» маҳалласида кузатишмоқда.

Бундай ҳолатларнинг асосий сабаблари, қўпичи ичимлик сувининг ноўрин ва бекорга кўп микдорда сарфланаётганидир. Яъни ичимлик сувида экинзор, майсазорларни сўғориш; мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва минерал, чанқовбосди ичимликларни соловутиш учун сув тармоқлариди фойдаланилаётганлиги кўп жихатдан сабаб бўлмоқда. Аммо сувнинг беҳуда сарфланаётганлиги хонадонлардаги санитар ускуналариди, айниқса унитаз кранлариди носоэтиқлар туфайли ҳам юзага келмоқда. Мисол учун, Тошкент шаҳридаги кўп қаватли уйларда истиқомат қиладиган бир кишининг кундалиқ суви истеъмол қилиши меъёри 300 литрни ташкил қилади, лекин кўп қаватли уйларнинг кириш қисмига умумий сув ўлчагич ўрнатиб натижалари таҳлил қилинганда аксарият ҳолларда бу кўрсаткич 700 литрдан ортиқ бўлиб қиқди. Яъни истеъмолчилар меъёрдан икки

ишдан чиқши сабабли аҳолининг сув таъминотида узиллишлар бўлаётган ҳолатлар борлигини инкор қилиб бўлмайди. Лекин шундай ҳолатларни ўзгартиришнинг вақти келди.

Республикамиз раҳбариятининг саёй-ҳаракатлари билан мавжуд сув иншоотларидаги эскирган насос ва электр анжомларни замонавий, қўлай, кам электр энергияси сарфлайдиган насослар билан алмаштириш ва барча технологик жараёнларни автоматлаштириш мақсадида Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг 10 миллион доллар микдориди сармояларни киритиш режаси амалга ошиш арафасида.

Шу билан бирга сувнинг тежамкорлик билан ишлатилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир хонадонга сув ўлчагич ускуналарини ўрнатиш ва кўчалардаги эскирган сув тармоқларини ва насос ускуналарини босқичма-босқич алмаштириш зарур. Ушбу масалаларни самарали ҳал этиш мақсадида «Сувос» трести томонидан янги сув тармоқларининг қурилиши билан аҳолига сув ўлчагичлар ўрнатиш ишлари биргаликда олиб борилиши йўлга қўйилган. Бу борада узоқ муддат хизмат қиладиган ва арзон полиэтилен қувурлардан кенг фойдаланишмоқда. Жумладан, жорий йилда 3,6 километр янги сув қувурлари ва 4,6 километр оқова сув қувурлари ўтказилди, шулар қаторида 1500 метр полиэтилен қувурлар қурилиб, А.Икромов туманида — С.Мирзаев кўчасида, С.Раҳимов туманида — Сағбон, Хуррият кўчаларида сув таъминоти яхшиланди. Кўп қаватли уйларнинг юқори қаватлари-

даги узиллишларни бартараф этиш мақсадида 22 та замонавий «Грундфос» русумли насослар ўрнатилиши режалаштирилган ва ҳозирги кунда тўрттаси Чилонзор тумани, 20-мавзе, 1-уй (9 қаватли), Шайхонтоҳур тумани, Ипакчи мавзесидаги олтинга тўрт қаватли уйлар, Баҳор кўчасидаги 16-уй (5 қаватли), Миробод тумани, Мирқоилова кўчасидаги 5-қаватли уйга ўрнатилиб, юқори қаватлардаги хонадонларнинг сув таъминоти яхшиланди. Ушбу ишларнинг амалга оширилиши бевосита аҳоли томонидан сувга бўлган тўловларнинг ўз вақтида тўланишига боғлиқ. 2004 йил 1 июндан бошлаб аҳоли учун 1 куб. метр ичимлик сувининг нархи — 25 сўм, оқова сув хизматлари учун — 16 сўм қилиб тасдиқланган. Афсуски, бошқа хизматларга нисбатан ичимлик сувининг нархи анча пастлигига қарамай, аҳоли томонидан «Сувос» трести олдидаги қарздорликлар ўз вақтида режалаштирилган ишларни амалга оширишга имконият бермай, ўринли шикоятларга сабаб бўлмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 августдаги 280-сонли қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрининг уй-жой фондида 2004 йил 1 июнь ҳолатига 146051 дона сув ўлчагич ўрнатиш, бу умумий уйлар сонидан 27 фоизи ташкил қилади. Режалар орқада қолишининг асосий сабаблари етарли даражада маблағ бўлмаганлиги, бу эса сув ўлчагичлар ўрнатиш хонадонларнинг ўз вақтида бажарилган ишлар учун тўловларни амалга оширмаганлигидан келиб чиқади. Кўп қаватли уйлар хонадонларига сув ўлчагич ўрнатиш таннари 33 минг сўмни ташкил қилади, шахсий уйларда сароитига қараб 40 минг сўмга боради. Албатта, уй-жой эгалари бирданига ҳамма тўловларни тўлиқ амалга ошириш имкониятига эга эмаслар, шунинг учун «Сувос» трести томонидан бу тўловлар бир йил давомида тўланиши мумкинлиги икки томонлама тузилдиган шартномада кўрсатилган.

Республикамизда сув табиат инъом этган энг катта бойлик ҳисобланади. Азалдан ўзбек халқи суви қадрлаган ва асраб-авайлаган, бу муносабат ёшликдан одат бўлган — сув қудуклари ва ариқларни ифлослан-тириш катта гуноҳ ҳисобланган. Лекин муновоқор тизими ривожланиши билан ичимлик суви арзон бўлиб қолиб, ўтмишдаги одамларнинг сувга нисбатан муносабати йўқола бошлади. Бугунги кунда ҳукуратимиз томонидан табиатни асраб-авайлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни келгуси авлодларга қолдириш тўғрисида бир қанча қарорлар қабул қилинди ва ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Азиз ҳамшаҳарлар, агар биз келажакда буюк ва бой давлатда яшашни истасак, бебаҳо бойлигимиз ва ҳаёт чашмаси бўлган ичимлик сувини исроф қилмай ва беҳуда сарфламай ишлатишни ўрганишимиз, шунга кўни-қилишимиз лозимдир.

Даврон
НУРМУҲАМЕДОВ

Ўсимликлар оламида БАРВАСТА МИТТИЛАР

Инсоннинг тадбиркорлигига қойил қолади, киши. Узининг виқор билан туриши, забардастлиги билан кишини хайратга соладиган дарахтларнинг митти нусхасини Японияда кўришингиз мумкин.

Ха, пахлавон эман, сарабуй қарагай, қолаверса фазилатли олча ва бошқа кўркам дарахтларнинг бўйи бир тирсакча, 30 ёки 80 сантиметрдан ошмай, пакана бўлиб ўсиши кишига завқ бағишламай қўймайди.

Митти дарахтларни ўстириш санъати Японияда ривож олган бўлиб, уни «Бонсай» деб аташади. Бу санъат кўҳна замонлардан бери мавжуд бўлиб, пакана дарахтларни ўстириш сир-асрорини ҳамма ҳам билавермади. Шу боисдан ҳам Японияда митти дарахтларни авлодлар узра меросга қолдириш мумкин. Чунки митти мўъжизакор дарахтларнинг айримлари асарлар оша яшаши ва ўз кўрки билан ҳар қандай хонага фэйз киритиб туриши мумкин. Японияда митти дарахт кўргазмалари уюштирилиб турилади. Албатта, бундай мўъжизани ўз кўзи билан кўриш учун чет мамлакатлардан минг-минглаб одамлар келиб томоша қиладилар.

ОДАМ БЎЙЛИ АРГУВОН

Бухарестдаги қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари бўйи икки метрдан ошмайдиган аргувон дарахтларини яратишга муяссар бўлдилар. Маълумки, аргувон дарахтининг гуллари ўзининг шифобахшлиги билан танилган бўлиб, уларни улкан дарахтлардан териб олиш анча қийинчиликлар тугдирар эди.

Хозирда институтнинг тажриба участкасида бир неча минг туп аргувонлар ўсаяпти. Бўйи икки метрдан ошмайдиган бу дарахтларнинг ноёб гуллари ўз вақтида осонлик билан териб олинмоқда.

КУЛГИ ДАРАХТИ

Ўсимликлар оламида антикалари ҳам бўлади-да. Яқин Шарқ мамлакатларида бир ўсимлик борки, унинг ажойиб хусусияти учун маҳаллий аҳоли «Кулги дарахти» деб ном берган.

Дарахт паст бўйли ва кўримсиз, меваси ловиядек келади. Қарангки, уни истеъмол қилган киши қиқирлаб кула бошлайди, бу ҳол бир соат чамаси давом этади. Омади келмай, иши юришмаган савдогарми, овчимми, тиши овриган кишимми ёки оиласидан ранжиган одамми «кулги дарахти» мевасидан истеъмол қилиб, бир зумда кўнглини ёзади.

Кулгининг роҳатбахшлигини билгандек она табиат бу неъматни яратиб қўйганига тасанно айтишади.

«Ёшлик» маҳалласи пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган. Ушбу фэйзли гўшага борган вақтимизда маҳалла оқсоқоли Холмурод Тўрақулов фаоллар билан йиғилиш ўтказатган экан.

Маҳалламизнинг «Ёшлик» деб аталиши бежиз эмас, - дейди биз билан суҳбатда оқсоқол. - Чунки маҳалла аҳолисининг ярмидан зиёроғи ёшлардан иборат.

Холмурод ака маҳалладаги 1127 та хонадонда 1280 та оила яшагини, хусусан, 14 та кўп қаватли уйда 3507 нафар фуқаро истиқомат қилаётганлигини айтди. Хўш, фуқаролар йиғини маҳалланинг оғирини енгил, мушкулдини осон қилиш учун қандай ишларга бош-қош бўлди, қандай ташаббуслар билан чиқди қабилдаги саволларнинг туғилиши табиий.

Авалло шунини айтиш керакки, ҳар қандай янги ташаббус, интилишни эл-юрт астойдил қўллаб-қувватламаса, мадад бермаса, ундан бирор иш чиқиши қийин. Бу борада «Ёшлик»ка ҳар қанча ҳавас қилиш мумкин. Чунки, ҳашар йўли билан маҳаллада болалар ўйингоҳи, новвойхона қурилди, бунинг самараси, оилалар дастур-

2004-Мехр ва нурувват йили МАҲАЛЛА РАВНАҚИ — ЮРТ ОБОДЛИГИ

Миллатимизнинг ўзига хос хусусиятлари бисёр. Ватан ичра кичик бир Ватан бўлмиш маҳалла ҳаётимизда нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эгаллиги ҳеч кимга сир эмас.

Айниқса, истиқлолдан кейин Юртбошимиз ташаббуслари билан миллий кадриятларимиз қатори маҳаллалар ҳам гўёки қайта туғилди, улар мамлакат ободончилиги, аҳоли турмуши фаровонлигига сезиларли ҳисса қўша бошлади.



хонидан қишин-ёзин тандир нон аримаяпти. Маҳалла фаоллари саяй-ҳаракати билан кам таъминланган оилаларга, қарияларга моддий ёрдам берилди. Наврўз байрамида совға-саломлар улашилди.

Маҳалла — тарбия ўчоғи, деган ҳикмат бор. Маҳалла худудидидаги 134-урта мактабда юқори синф ўқувчилари иштирокида ўтказилган «Диний экстремизмга қарши» мавзудидидаги учрашувдан ҳам айнан тарбиявий мақсад-

лар кўзланди. Бундай учрашувлар мунтазам ўтказилиб турилади. Унда мактаб раҳбари Адолат Хўжамерова маҳалла педагоғи, мактаб отаоналар қўмитаси раиси, маҳалла оқсоқоли ва фаоллари турли мавзуларда маърузалар қиладилар.

— Йўллар анча қониқарсиз аҳволда эди, — таъкидлайди Холмурод ака, — шаҳар ва туман ҳокимлиғи ёрдамида улар тўла таъмирдан чиқарилди. Маҳалла фаоллари ёрдами билан кўп қаватли бинолар атрофида болалар майдончаси ташкил қилинди.

«Ёшлик» маҳалласидан қайтар эканмиз, ҳақиқатдан ҳам мазкур маҳалланинг исми жисмига монанд эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Зеро, ёшлик — кишининг айна куч-қувватга тўлган, истиқболи пойдеворини яратадиган даври. Шубҳа йўқки, «Ёшлик» сингари фэйзли маҳаллалар қанчалик кўпайса, пойтахтимиз янада обод, янада серфэйз бўлар эди.

Гўзал ОҚИЛОВА

СУРАТДА: «Ёшлик» маҳалласида болажонларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун маана шундай шарт-шаронлар яратилган.

БОЖЖОНА ХАБАРЛАРИ

Бугунги кунда пойтахтимиз божжоначилари томонидан олиб борилётган тадбирлар давомида бир қатор қонунбузарлик ҳолатлари аниқланмоқда.

Баъзи бир тадбиркорларнинг турли эгри йўллар билан мўмай даромад орттириш илн-жида қилаётган найранглари ўзларига панд бермоқда. М.Тожиёв ҳам шундай тадбиркор тоифасидан экан. У божжона расмийлаштирувдан ўтказилган юкларини «ГАЗ 53А» автомашинасига юклаб, манзилига олиб келиш вақтида Тошкент шаҳар божжона бошқармасининг Контрабанда ва божжона қондаси бузилишига қарши кураш бўлими ходимлари томонидан тўхтатилди. Ана шунда унинг нафси қилмишини фош этишга сабаб бўлди. Ушбу юклар қайтадан божжона назоратидан ўтказилганида божжона юк баённомасида кўрсатилмаган 14 хилдаги 2500000 сўмлик халқ хўжалик молларининг ноқонунийлиги аниқланди.

• Шаҳар божжоначилари яна бир фуқаронинг қилмишини фош этишди. А.Фарруҳ 1.270.000 сўмлик халқ хўжалик молларини божжона расмийлаштирувдан ўтказмасдан, турли айланма йўллар орқали ички бозоримизга қайта сотиш учун олиб келганлиги маълум бўлди.

• «Тошкент-Шимол» темир йўл вокзалида 8-сонли божжона пости ходимлари ҳам божжона қондаси бузилишига қарши чора-тадбирларни амалга ошириш вақтида 5-сонли «Тошкент-Москва» йўналишидаги поезд йўловчиларидан бири С.Умаровнинг қилмишини очиб ташлашди. У божжона баённомасига ёзилмаган 2500 АҚШ долларини божжона назоратидан яширинча олиб чиқишга ҳаракат қилган экан.

• Шунингдек, бундай ҳолатлар Тошкент аэропортида ҳам кўп бор тақоррланиб турибди. «Тошкент-Ростов» йўналиши бўйича 637 рейс билан учиб кетаётган юртдошимиз Нина Ивановна божжона баённомасига ёнидаги валюталарини тўғри ёзганида божжона ходимлари олдида афсусланиб қолмасди. У «Тошкент-Аэро» ИБКнинг 1-сонли божжона комплекси ходимларига найрангини ўтказмоқчи бўлиб 1406 АҚШ доллари ва 300 еврони божжона баённомасига ёзмасдан ёнидаги ички қийимларига яширинча тикиб олиб чиқиб кетмоқчи эканлиги маълум бўлди.

Афсуски, қингир йўллар орқали мўмай даромад олишни ҳавас қилган бундай инсонлар божжона назоратидан ўтиш вақтида ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишмас экан, қонун олдида жавоб беришларига тўғри келади.

Нурбек МУСТАФОЕВ

“ИШЛАБ ТОП!”

Жаноб тадбиркорлар ва мухтарам корхона раҳбарлари!

Биз навқирон, иқтидорли, ғайратга тўла ёшларимиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва қўмағингиз еттишмайпти. Ғайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



КАМОЛОТ

TOSHKENT
SHAHAR
BO'LI MI



Тошкент шаҳар «КАМОЛОТ»и тадбиркорларга «Ишлаб топ!» ижтимоий акциясида фойда иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини таклиф қилади. Қўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин. Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz

www.2oxygen.com

www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга «Тасвир» нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун илтиёзлар берилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЭЪЛОНЛАР ШАНБА ВА ЯҚШАНБАДАН
ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.30 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОН:

133-28-95.ФАКС: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ:
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-ЎЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Спорт

**ШАХМАТЧИЛАР
ДОНА
СУРМОҚДА**

Шахримиздаги Республика шахмат-шашка клубида шахмат бўйича Ўзбекистон Федерацияси Кубоги турнири бошланди.

Турнирда республика-мизнинг турли вилоятларидан келган 125 нафар шахмат устаси икки гуруҳга бўлинган ҳолда дона сурмоқда.

Швейцарча усулда ўтказилаётган мусобақа ғолиблари 3 августда аниқланади. Турнир якунларига кўра ўрта энг яхши натижа кўрсатган шахматчи Республика чемпионатининг биринчи лигасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

**ОМАД
ТИЛАЙМИЗ**

Олег Огородов, Дмитрий Томашевич каби етакчи теннисчиларимиз ортидан қўлаб иқтидорли ёшлар етишиб чиқаётгани қувонарли ҳолдир.

Хусусан, ҳамшаҳримиз Фаррух Дўстовнинг Швейцарияда ўтказилган «Фьючерс» йўналишидаги халқаро турнирда ғалаба қозонганлиги ҳақида хабар бергандик.

Эндиликда Ф.Дўстов Финляндиянинг Тампере шаҳрида бошланган мукофот жамғармаси 50 минг АҚШ долларига тенг «Челленджер» мусобақасида юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, ёш, иқтидорли катта ракетка устаси турнирни муваффақиятли бошлади. Дастлабки беллашувда у германиялик Марк Кевин Болерни енгилган муваффақ бўлди.

Биз кейинги беллашувларда ҳам Фарруҳга омад тилаб қоламиз.

(Ўз мухбиримиз)

Осиё чемпионати

**ЯРИМ ФИНАЛ
НАҚДМИ?**



Газетамизнинг аввалги сонларида футбол бўйича Осиё чемпионатида қатнашаётган ҳамюртларимиз гуруҳда кетма-кет иккита ғалабага эришиб биринчи бўлиб чорак финалга йўлланма олганлиги ҳақида хабар бергандик.

Бу демак, Туркменистон термаси билан охириги ўйинда жамоадошларимиз қандай натижа кўрсатишмасин, кейинги босқич масаласи ҳал этилганди.

Қувонарли томони шундаки, ўтган кун Туркменистон терма жамоаси билан кечган ўйинда футболчиларимиз ўз ҳужумкор ўйинларига содиқ қолиб мухлисларини яна бир бор хушнуд этишди. Туркменистонликлар учун ушбу ўйиндаги муваффақият чорак финалга оз бўлса-да имконият пайдо қилишини ҳисобга олганда футболчиларимизнинг ғалабага интилиб ўйнашларининг аҳамияти нечоғлик катта эканлигига яна бир карра гувоҳ бўламиз.

Кўпроқ ёш, умидли футболчиларимиз тўп сурган ўйинда улар тўла ишончни оқлашди. Жамоамиз етакчиси Миржалол Қосимов иккинчи бўлимда жарима тўпи орқали киритган ажойиб гол терма жамоамизга учинчи ғалабани келтирди ва футболчиларимиз гуруҳ баҳ-

сларида юз фоизлик натижага эришишди. Терма жамоамиз киритган уч тўпдан иккитаси Миржалол Қосимовга тегишли эканлиги эса, шундай нуфузли турнирларда тажрибали ўйинчилар маҳорати қанчалик кўп асқотишига далилдир.

Қолган гуруҳдаги ўйинларни таҳлил қиладиган бўлсак, Таиланд футболчиларини 4:1 ҳисобда енгган япониялик чарм тўп усталари иккинчи бўлиб, мудатидан олдин чорак финалга йўлланма олишди.

Гуруҳлардан ўтган қолган иккинчи ва учинчи тур учрашувлари қуйидаги натижалар билан тугади: «Д» гуруҳи.

Эрон — 2:2,
«В» гуруҳи.
Кувейт — Иордания — 0:2,
Жанубий Ко-

рея-Бирлашган Араб Амириклари — 2:0. «А» гуруҳи. Хитой-Қатар — 1:0, Индонезия-Бахрайн — 1:3.

Ана шу «А» гуруҳидаги учинчи турнинг Индонезия-Бахрайн терма жамоалари ўртасидаги учрашуви мамлакатимиз терма жамоасининг чорак финалдаги рақибини белгилаб берди. Учта ўйиннинг иккитасини ютиб, битта дурангга эришган ва етти очко жамғарган Хитой терма жамоаси ортидан беш очко билан иккинчи ўринни эгаллаган Бахрайн футболчилари мамлакатимиз терма жамоаси билан чорак финалда беллашади. Ушбу учрашув 30 июль кунини бўлиб ўтади. Шу кун гуруҳимизда иккинчи ўринни эгаллаган ироқлик футболчилар Хитой терма жамоасига қарши тўп суради. Ўйлаймизки, терма жамоамиз учун унчалик кучли бўлмаган Бахрайн футболчилари устидан ғалаба қозониб, ярим финалга чиқиш катта қийинчилик тудирмас керак.

Кеча «В» гуруҳида ҳам

сўнги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Бунда гуруҳдаги энг кучли терма жамоа Жанубий Корея футболчилари қувайтлик чарм тўп усталарига қарши майдонга тушишди. Бутун учрашув давомида корейлик футболчиларнинг яққол устунликларини сезилиб турди. Биринчи бўлимда Жанубий Корея чарм тўп усталари учта жавобсиз тўп киритишга муваффақ бўлишди. Ўйин 4:0 ҳисобида якунланди. Ажойиб ўйин кўрсатиб, иккита чиройли тўп киритган Ли Дон Кук жамоаси ғалабасига катта ҳисса қўшди.

Ушбу гуруҳдаги Иордания ва Бирлашган Араб Амириклари терма жамоалари ўртасидаги учрашув 0:0 ҳисобида поёнига етди.

Шундай қилиб, «В» гуруҳидан етти очко жамғарган Жанубий Корея ва беш очкога эга Иордания футболчилари ярим финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

«С» ГУРУҲИДАГИ ЯКУНИЙ ВАЗИЯТ

	Терма жамоалар	Ўйинлар	Ютуқ	Дуранг	Мағлубият	Тўплар нисбати	Очко
1.	Ўзбекистон	3	3	0	0	3-0	9
2.	Ироқ	3	2	0	1	5-4	6
3.	Туркменистон	3	0	1	2	4-6	1
4.	Саудия Арабистони	3	0	1	2	3-5	1



Қўл жанги

**ҒОЛИБЛАР —
ШОҲСУПА ТҮРИДА**

Маълумки, шахримизда «Умумармия ўйинлари — 2004» мусобақалари кизгин паллага кирди.

Икки кун давомида МХСК спорт мажмуасида «Умумармия ўйинлари — 2004» мусобақалари доирасида қўл жанги турнири бўлиб ўтди. Унда Тошкент ҳарбий округи, Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети, Жануби-ғарбий ҳарбий округ, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ, Шарқий ҳарбий округ, Марказий ҳарбий округ, ҳарбий қисм, ИИБ коровул қўшинлари ва бошқа жами 13 жамоа қўл жанги усталари ғалаба учун кураш олиб боришди.

Кескин ва шиддатли баҳслардан

сўнг ғолиблар аниқланди. Энг енгил вазнда Б.Жамолов, 70 килограммгача қўл жанги усталари баҳсида Ш.Нақбиллов, 75 килограммгача вазнда Ф.Мусинов, 80 килограммлар ўртасида Ж.Мамаризаев, 85 килограммгача курашчилар беллашувида О.Эргашев ва нихоят оғир вазнда А.Мухаммаджоновлар рақибларидан устун келишиб, шоҳсупанинг энг баланд қисмини забт этишди.

Умумжамоа ҳисобида Самарқанд ҳарбий ҳаво кучлари билим юрти ғолиб чиққан бўлса, Шарқий ҳарбий округ спортчилари иккинчи бўлди. Тошкент ҳарбий округи қўл жанги усталарига эса учинчи ўрин насиб этди.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТДА: мусобақадан лавҳа
Алексей Попов олган сурат.

Яқинда Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўرғазмалар зали мажмуида ёш, истеъдодли rassom Мухаммадjon Рустамовнинг «Эски шаҳар менинг кўшигим ва қувончим» деб аталувчи шахсий кўрғазмаси очилди. Рангтавир устаси томонидан маҳорат билан ишланган Тошкент шаҳри кўҳна қисмини акс эттирувчи ажойиб манзаралар ўз аниқлиги ва шу билан бир қаторда, бевоқоф жойнинг ўзига қараб туриб ишланганлиги билан ажралиб туради.

Кўрғазмалар

ТОШКЕНТ МАНЗАРАЛАРИ

Rassom асарларининг кўп қисми Эски шаҳар кўчаларининг ўзига хос меъморий гўзаллиги, тарихий-этнографик аҳамияти, у ерда истиқомат қилувчи одамларнинг кундалик ҳаёти лавҳаларини лирик бўёқларда акс эттириши билан кизикарлидир. Уларни кузатар экансиз, ўзингизни гўё Тошкентнинг қадимий руҳ билан йўғрилган кўчаларида сайр қилиб юргандек ҳис қиласиз. Шаҳарнинг тарихий-маданий ва туристик аҳамиятига эга қисми кўз ўнгингизда бутун борлиги билан намойён бўлади. Айниқса, ўзбек хонадони ҳовлиларининг соя-салқин саҳни, боғ-роғли, ўзига хос миллий кўринишлари фасл ва куннинг турли вақтларида акс эттирилганини кўрасиз.

«Эски кўча», «Август», «Сағбон кўчаси», «Сукунат», «Ёқимли ёз», «Эски шаҳар кўшиғи», «Зарқайнар кўчаси», «Ўзбек ҳовлиси», «Оқшом» номли асарлар rassom ижодининг сара намуналаридан саналади.

Мусаввир манзаралар билан чекланиб қолмай кичик-кичик, аммо батафсил қилиб бажарилган ажойиб портретларни ҳам яратган. Улар орасидаги «Сардор», «Арофат», «Исло», «Менинг бувим» каби асарлар ўзининг ёқимлилиги билан алоҳида ажралиб туради.

Кўрғазмага жами 40 та асар қўйилган бўлиб, улар умидли мусаввир Мухаммадjon Рустамовнинг ижодий фаолиятининг турли қирраларини тўлиқ намойён этмоқда.

Баҳром ТОЖИЕВ,
Ўзбекистон Бадий академияси
Ижодкорлар уюшмасининг аъзоси.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

**Бош муҳаррир
Акmal АҚРОМОВ**

Манзилмиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқ офсет усулида
босилади.
2812 нусxada босилди. Кўчоз бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаоти»га — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийет-матбаа акциддорлик компанияси бошқармаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.